**“К Е Л И Ш И Л Д И”**
**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари**

__________ **Д. Рахимов**

**2023 йил “_24_” октябрь**

**№ 12-01/694**
**15.11.2023 й.**

**“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”**
**Навоий вилояти ҳокими, Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаши раиси**

__________ **Н.Турсунов**

**2023 йил “_25_” октябрь**

**Навоий вилояти ҳокимлиги ва унинг бўйсунувидаги ташкилотлар тизимида коррупциявий жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлаётган омилларни аниқлаш ва чуқур таҳлил қилиш ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан**
**“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

| № | Тадбирнинг номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Навоий вилояти ҳокимлиги ва унинг бўйсунувидаги ташкилотлар зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш билан боғлиқ коррупциявий жиноятларнинг содир этилиши, уларнинг сабаблари, омиллари, шарт-шароитлари ва оқибатларини комплекс таҳлил қилиш ва мазкур жиноятларни камайтириш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш. | 2022 ва 2023 йилнинг 9 ойлигида содир этилган коррупциявий жиноятларга оид статистик маълумотларни, тугалланган жиноятлар бўйича суд ҳукмлари материалларини, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция ва манфаатлар тўқнашувига оид мурожаатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда муаммо ва камчиликларни аниқлаб, уларнинг ечими бўйича асослантирилган таклифларни ишлаб чиқиш, мазкур жиноятларни камайтириш юзасидан аниқ, тизимли ва мақсадли чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш. | Ҳар чоракда | Навоий вилояти Суди раиси (Х.Қудратов),<br>Навоий вилояти прокурори (Б.Ахмедов),<br>Навоий вилояти Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи (О.Рўзиев),<br>Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи (А.Тасбаев),<br>Навоий вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Атамуродов),<br>Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси мудири (Ф.Хасанов) |
| 2. | Давлат органи фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар *(кейинги ўринларда – НҲҲлар)*ни чуқур | Давлат органи фаолиятини ташкил этишга оид НҲҲлар рўйхатини шакллантириш ва уларни “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонун (08.08.2023 йил, ЎРҚ-860- | 2023 йил 1 декабрь | Навоий вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Атамуродов),<br>Навоий вилояти ҳокимлиги юридик бўлим бошлиғи (Ф.Казаков), |

| № | Тадбирнинг номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | таҳлил этиш орқали ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича, шунингдек, ҳоким томонидан охирги 5 йилликда чиқарилган қарорларни таҳлил қилиш ва камчиликларни бартараф этиш бўйича асослантирилган таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда тақдим этиш. | сон) ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (24.02.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3287) асосида коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш;<br>охирги 5 йилликда ҳоким томонидан чиқарилган, шу жумладан “e-qaror” электрон платформасига яширилган мақоми билан ёпиқ шаклда жойлаштирилган қарорларни ўрганиш ва уларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш хамда жамоатчиликка ахборот бериш (расмий веб сайтга жойлаштириш). | | Навоий вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи (Ғ.Примов),<br>Навоий вилояти ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари (Э.Авезов),<br>Навоий вилояти ҳокимлиги Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси мудири (Ф.Хасанов). |
| 3. | Давлат органига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш, хусусан функционал бошқарув, кадрларни ишга олиш ва меҳнатига ҳақ тўлаш, рағбатлантириш бўйича амалга оширилган ишлар | Давлат органи ходимларининг тўлиқ таркиби (раҳбар, мутахассис ва ишчи ходимлари) кесимида ойлик иш ҳақи, рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича 2023 йилнинг 9 ойлиги давомида амалга оширилган тўловлар, шунингдек, ходимларга юклатилган вазифалар ҳажми ва ойлик иш ҳақи миқдори мутаносиблигини таҳлил қилиш;<br>давлат органида бошқарув инструментлари (режалаштириш, ташкил этиш, назорат, мувофиқлаштириш, фаоллаштириш ва мотивация)нинг тўғри йўлга қўйилганлиги, вазифа ва функцияларнинг тўғри юклатилганлигини ўрганиш, мавжуд камчилик ва муаммолар ҳамда уларнинг ечими бўйича таклифларни юқори турувчи ташкилотларга тақдим этиш. | | Навоий вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Атамуродов),<br>Навоий вилояти ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари (Э.Авезов),<br>Навоий вилояти ҳокимлиги юридик бўлим бошлиғи (Ф.Казаков),<br>Навоий вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи (Ғ.Примов),<br>Навоий вилояти ҳокимлиги Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси мудири (Ф.Хасанов) |

| № | Тадбирнинг номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 4. | Ҳудудлар ва соҳалар кесимида коррупциявий жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни таҳлил этиш орқали уларнинг сабаблари ва омилларини аниқлаш, таҳлил натижаларига кўра, коррупция даражаси юқори бўлган соҳа ва ҳудудларда коррупцияни минималлаштириш чораларини кўриш. | Ҳудудлар (туманлар кесимида) ва соҳалар (таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва бандлик, молия, солиқ, ички ишлар, суд, қурилиш, муҳандислик-коммуникация, сув, газ, энергетика ва бошқа соҳалар) кесимида мавжуд қонунбузилиш ҳолатлари, шу жумладан коррупциявий жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни ўрганиш ва таҳлил этиш (соҳа мутахассислари ва экспертларни жалб этган ҳолда, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида).<br>Таҳлил натижаларига кўра, коррупция даражаси юқори бўлган соҳа ва ҳудудларда коррупцияни минималлаштириш чораларини кўриш хамда жамоатчиликка ахборот бериш (расмий веб сайтга жойлаштириш). | 2023 йил 1 декабрь | Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаши масъул котиби (Ж.Ҳамраев),<br>Навоий вилояти Суди раиси (Х.Қудратов),<br>Навоий вилояти прокурори (Б.Ахмедов),<br>Навоий вилояти Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи (О.Рўзиев),<br>Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи (А.Тасбаев),<br>Навоий вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Атамуродов),<br>Навоий вилояти ҳокимлиги Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси мудири (Ф.Хасанов),<br>Барча соҳалар бўйича тегишли бошқармалар |
| 5. | Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган превентив механизмларнинг йўлга қўйилганлик ҳолатини таҳлил қилган ҳолда, ушбу тизимларнинг самарадорлигини ошириш чораларини кўриш. | Давлат органи тизимида қуйидаги йўналишлардаги превентив чоралар самарадорлигини ошириш:<br>коррупцияга қарши ички назорат тизимининг жорий этилганлиги, самарадорлиги ва ушбу тизим тўғрисида ходимларнинг хабардорлиги (ПҚ-5177, Низом рўйхат рақами 3319, 08.09.2021 йил);<br>коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш ишларини тўғри ташкил этиш (ПҚ-81);<br>коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бартараф этиш чораларини кўриш | 2023 йил 1 декабрь | Навоий вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Атамуродов),<br>Навоий вилояти ҳокимлиги Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси мудири (Ф.Хасанов),<br>Навоий вилояти ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари (Э.Авезов),<br>Туман(шаҳар) ҳокимликлари. |

| № | Тадбирнинг номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | (ПҚ-240, Услубиёт, рўйхат рақами 3383, 31.08.2022 йил)<br>коррупция ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш чораларини кўриш (ички идоравий ҳужжатлар талаблари);<br>коррупция ҳақида хабар бериш учун мўлжалланган алоқа каналларининг йўлга қўйилганлиги, жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупцияга оид мурожаатларини белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиш;<br>очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ишларининг ташкил этилганлиги, хусусан, ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни жамоатчиликка белгиланган тартиб ва муддатларда эълон қилиш (ПФ-6257, ПФ-154);<br>мавжуд штат бирликлари ҳисобидан юқоридаги вазифалар ижросини таъминлашга масъул ажратиш. | | |
| 6. | Давлат харидларини ўтказишда (тендер ва энг яхши таклифларни танлаш) давлат харидлари ва рақобатга оид қонунчилик ҳужжатларига риоя этилганлик ҳолати, мазкур қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши, хусусан давлат харидларида аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини олдини | Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан давлат органининг Давлат харидларини ўтказишда (тендер ва энг яхши таклифларни танлаш) давлат харидлари ва рақобатга оид қонунчилик ҳужжатларига риоя этилганлик ҳолатини ўрганиш, ўрганиш натижаларига кўра мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан белгиланган тартибда чораларни кўриш | Мунтазам равишда | Навоий вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Атамуродов),<br>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси худудий бўлинмаси раҳбари (О.Раббимов),<br>Навоий вилояти ҳокимлиги бухгалтери (О.Самадов),<br>Навоий вилояти ҳокимлиги Ишлар бошқармаси бошлиғи (С.Шамшиев), |

| № | Тадбирнинг номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | олиш бўйича чораларни амалга ошириш. | | | Навоий вилояти ҳокимлиги Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси мудири (Ф.Хасанов). |
| 7. | Давлат харидларида иштирок этаётган барча талабгорларга тенг шароитлар яратган ҳолда очиқлик ва шаффофлик, тортишув ва холислик ҳамда коррупцияга йўл қўймаслик принципларига риоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, ҳокимлик ва унинг тизимида давлат харидларини амалга оширишда бевосита иштирок этиб келаётган масъул ходимларни режали ва мунтазам равишда Молия вазирлиги хузуридаги ўқув маркази томонидан ўқитиб борилишини таъминлаш | Ҳокимлик ва унинг тизимида давлат харидларини амалга оширишда бевосита иштирок этиб келаётган масъул ходимларни режали ва мунтазам равишда Молия вазирлиги ҳузуридаги ўқув марказида ўқитилиши бўйича зарур чораларни кўриш | Мунтазам равишда | Навоий вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Атамуродов), Навоий вилояти ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари (Э.Авезов), Навоий вилояти Молия бошқармаси бошлиги (Ғ.Бобокулов) |
| 8. | Давлат органининг коррупцияга қарши ички тартиб қоидалари талабларига мувофиқ, ходимларни ишга қабул қилишда коррупцияга қарши текшириш ишларини амалга ошириш, хусусан ходимларни ишга қабул қилишда меҳнат шартномасига коррупцияга қарши бандларни киритилганлигини ўрганиш. | Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан Давлат органининг коррупцияга қарши ички тартиб қоидалари талабларига мувофиқ, ходимларни ишга қабул қилишда коррупцияга қарши текшириш ишларини амалга ошириш, хусусан ходимларни ишга қабул қилишда меҳнат шартномасига коррупцияга қарши бандларни киритилганлигини ўрганиш ва ўрганиш натижаларига кўра мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан белгиланган тартибда чораларни кўриш | Мунтазам равишда | Навоий вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Атамуродов), Навоий вилояти ҳокимлиги Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси мудири (Ф.Хасанов), Навоий вилояти ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари (Э.Авезов). |

| № | Тадбирнинг номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 9. | Давлат органи томонидан жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари, хусусан такрорий мурожаатларнинг кўриб чиқилиши ҳолатини комплекс ўрганиш, шунингдек, ўрганиш натижаларига кўра давлат органи ҳамда жисмоний ва юридик шахслар ўртасида коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган муносабат (жараён)ларни, хусусан, имтиёзли кредитлар ва субсидиялар ажратиш, худудлардаги объектларда амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш жараёнларидаги коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқараётган функция ва муносабатларни рақамлаштириш ва инсон омилини камайтириш орқали коррупция ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг олдини олиш. | Жисмоний ва юридик шахсларнинг такрорий мурожаатлари бўйича кўрсатилган давлат хизматларининг рад этиш сабабларини хатловдан ўтказиб, ушбу жараён (муносабат)ларни рақамлаштириш орқали инсон омилини камайтириш, маълумотларни ташкилотлардан онлайн сўраб олиш имкониятларини яратиш мақсадида идоралараро ахборот базаларини интеграция қилиш орқали электрон ахборот алмашинувини жорий этиш чораларини кўриш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.<br>Давлат органи томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган хизматларни ўрганиш, бунда мазкур муносабат(дараён)ларда коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган муносабат (жараён)ларни, хусусан, имтиёзли кредитлар ва субсидиялар ажратиш, худудлардаги объектларда амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ва бошқа ишларни амалга оширишда инсон омилини камайтириш ва жараёнларни рақамлаштириш чораларини кўриш. | 2023 йил 1 декабрь | Навоий вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Атамуродов),<br>Навоий вилояти ҳокимининг рақамлаштириш бўйича маслаҳатчиси (Х.Фармонов),<br>Навоий вилояти ҳокимлиги Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси мудири (Ф.Хасанов),<br>Навоий вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати (Д.Наврўзова),<br>Навоий вилояти ҳокимлиги мурожаатлар бўлими бошлиги (Қ.Абдуазизов),<br>Туман(шаҳар) ҳокимликлари. |
| 10. | Давлат органи томонидан жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари, хусусан такрорий мурожаатларнинг кўриб чиқилиши ҳолатини комплекс ўрганиш | Жисмоний ва юридик шахсларнинг такрорий мурожаатлари бўйича кўрсатилган масалаларни рад этиш сабабларини хатловдан ўтказиб тегилилиги бўйича таклифлар ишлаб чиқиш хамда натижаси юзасидан ахборот бериш. | Хар чоракда | Навоий вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Атамуродов),<br>Навоий вилояти Халк кабулхонаси раҳбари (Ф.Қувондиқов),<br>Навоий вилояти ҳокимлиги мурожаатлар бўлими бошлиги (Қ.Абдуазизов). |

| № | Тадбирнинг номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 11. | Ҳудудда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан охирги йилларда кўрилган коррупцияга оид жиноятлар бўйича чиқарилган ҳукмлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ва бошқа таҳлил ва ўрганишлар натижалари мазмунидан келиб чиқиб, фуқароларнинг соҳага оид ҳуқуқий билимлари ва маданиятини ошириш бўйича тарғибот-ташвиқот тадбирларини ташкил этиш орқали коррупциянинг олдини олишга қаратилган профилактик ишларни амалга ошириш. | Коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкил этиш. Хусусан, суд органлари, коррупцияга қарши курашиш фаолиятини олиб борувчи давлат органлари (прокуратура, департамент, давлат хавфсизлик хизмати, ички ишлар ва адлия ҳудудий бўлинмалалари), диний идоралар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, фуқароларнинг соҳага оид ҳуқуқий билимлари ва маданиятини ошириш бўйича тарғибот-ташвиқот тадбирларини ташкил этиш орқали коррупциянинг олдини олишга қаратилган профилактик ишларни амалга ошириш. | Мунтазам равишда | Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаши масъул котиби (Ж.Ҳамраев),<br>Навоий вилояти Суди раиси (Х.Қудратов),<br>Навоий вилояти прокурори (Б.Ахмедов),<br>Навоий вилояти Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи (О.Рўзиев),<br>Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи (А.Тасбаев),<br>Вилоят ҳокимининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари (Э.Мардонов),<br>Навоий вилояти ҳокимлиги юридик бўлим бошлиғи (Ф.Казаков),<br>Навоий вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи (Ғ.Примов),<br>Навоий вилояти ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари (Э.Авезов),<br>Туман(шаҳар) ҳокимликлари,<br>Ҳудудаги мавжуд олий таълим муассасалари (Б.Собиров, Б.Мардонов),<br>Навоий вилояти ҳокимлиги Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси мудири (Ф.Хасанов) |
| 12. | Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича белгиланган чора- | Ҳудудий кенгаш йиғилишларида масъулларнинг ҳисоботларини танқидий муҳокама қилиш ҳамда кенг жамоатчилик | Мунтазам равишда | Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаши масъул котиби (Ж.Ҳамраев), |

| № | Тадбирнинг номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | тадбирларнинг худуддаги ижроси юзасидан ҳисобот эшитувларини йўлга қўйиш ва реал вақт режимида трансляция қилиш ишларини ташкил этиш. | (жонли эфирда) етказиш, хусусан, ОАВ, ННТ ва маҳалла фуқаролар йиғини вакилларини жалб қилган ҳолда Ҳудудий кенгаш йиғилишларини мунтазам равишда ўтказилишини таъминлаш. | | Навоий вилояти ҳокимининг матбуот хизмати (Д.Наврўзова),<br>Навоий вилояти ҳокимининг рақамлаштириш бўйича маслаҳатчиси (Х.Фармонов),<br>Навоий вилояти ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари (Э.Авезов) |
| 13. | Давлат органида коррупциявий хавф-хатарлар даражаси юқори бўлган лавозимларни эгаллаган, ҳудуддаги барча соҳа ва тармоқ раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ва бошқа ходимлар билан мунтазам равишда назорат ва профилактик тадбирларни ўтказиб бориш. | Давлат органида коррупциявий хавф-хатарлар даражаси юқори бўлган лавозимларни эгаллаган, ҳудуддаги барча соҳа ва тармоқ раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ва бошқа ходимлар билан мунтазам равишда назорат ва профилактик тадбирлар ҳамда якка тартибда суҳбат ўтказиб бориш. | Мунтазам равишда | Навоий вилояти ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари (Э.Авезов),<br>Навоий вилояти ҳокимлиги Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси мудири (Ф.Хасанов),<br>Туман(шаҳар) ҳокимлари |
| 14. | Вилоят (шунингдек, туман) ҳокимликлари ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаши томонидан Давлат органи ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши иштирокида аҳолини ташвишга солаётган ижтимоий-иқтисодий ва бошқа долзарб масалалар юзасидан соҳалардаги коррупция мавзуси бўйича муҳокама ва эшитувларни ташкил этиш. | Аҳолини ташвишга солаётган ижтимоий-иқтисодий ва бошқа долзарб масалалар юзасидан соҳалардаги коррупция мавзуси бўйича Вилоят (шунингдек, туман) ҳокимликлари ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг талабларидан келиб чиқиб, Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаши томонидан ҳисобот ва эшитувлар ташкил этилади.<br>Шунингдек, мазкур ҳисобот эшитувларида ҳудуддаги жамоатчиликнинг энг кўп эътиборини тортиб, ташвишга солган ва резонанс уйғотган коррупция соҳалари бўйича хукумат аъзолари ва жамоатчилик ўртасида очиқ мулоқот ўтказилади. | Мунтазам равишда | Навоий вилояти Суди раиси (Х.Кудратов),<br>Навоий вилояти прокурори (Б.Ахмедов),<br>Навоий вилояти Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи (О.Рўзиев),<br>Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи (А.Тасбаев),<br>Навоий вилояти Халқ қабулхонаси раҳбари (Ф.Кувондиқов),<br>Навоий вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи (Ғ.Примов),<br>Навоий вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Атамуродов), |

| № | Тадбирнинг номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Ҳудуднинг соҳалар бўйича барча бошлиқлари |
| 15. | Йўл харитасида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ишчи органи Коррупцияга қарши курашиш агентлигига ҳисобот тақдим этилишини таъминлаш. | Ҳар чорак якуни бўйича ҳисобот шаклини тақдим этиш. | Ҳар чорак якуни бўйича | Коррупцияга қарши курашиш худудий кенгаши масъул котиби (Ж.Ҳамраев),<br>Навоий вилояти Суди раиси (Х.Қудратов),<br>Навоий вилояти прокурори (Б.Ахмедов),<br>Навоий вилояти Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи (О.Рўзиев),<br>Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи (А.Тасбаев),<br>Навоий вилояти Халқ қабулхонаси раҳбари (Ф.Қувондиқов),<br>Адлия бошқармаси бошлиғи (Г.Примов),<br>Навоий вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Атамуродов),<br>Ҳудуднинг соҳалар бўйича барча бошлиқлари |

**Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси бошлиғи У. Бердиқулов ________**
**2023 йил “ 4 ” - октябрь**

**Навоий вилояти ҳокимлиги Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси мудири**
**Ф.Хасанов ________**
**2023 йил “ 25 ” - октябрь**